



ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНДАГИ ИНФРАТУЗИЛМА ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 июль куни Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Сўнгги йилларда Tashkent city мажмуасида улкан иншоотлар барпо этилди. Айни пайтда унинг “Пахтакор” метро бекати тарафида йирик савдо маркази қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда бўлиб, пидедалар ва автомобиллар учун яратилган шароитлар билан танишди. Келгусида ҳаракат янада кўпайишини инобатга олиб, Ботир Зокиров ва Навоий кўчалари кесишмасида йўл ўтказгич қуриш, пидедалар йўлакларини қўлайлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Навоий, Ойбек, Нукус кўчалари бўйлаб юриб, йўллардаги шароитни кўздан кечирди, одамлар билан суҳбатлашди.

Транспорт инфратузилмаси билан боғлиқ яна бир лойиҳа — Тошкент халқаро аэропорти ёнидаги кўприк. Автомобиллар қатновига қўлайликни ошириш мақсадида у кенгайтирилиб, қўшимча эстакада қурилмоқда. Унинг узунлиги 650, эни 30 метр бўлади. Айланма шаклидаги чиқиш-тушиш йўллари қайрилиб олиш хавфини йўқотиб, ҳаракатни осонлаштиради.

Президентимиз бу ердаги қурилиш жараёнини кўрди, атрофни қўқаламзорлаштириш, манзарали дарахтлар экиш кераклигини айтди.

ЎЗА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ

Тарихда шахсларнинг ўрни доимо етакчи мақомида бўлган. Зеро, ҳокимиятни амалга ошираётган етакчининг сиёсати миллионлаб тақдирларга белгиловчи таъсир кўрсатиб келади. Айниқса, туб ўзгаришлар, жадал ислохотлар шароитида давлат аҳамиятига эга қарорларни қабул қилувчи шахснинг сиёсатдаги роли ниҳоятда ортади. Айни пайтда бу қарорлар рўйи кўп минг сонли фуқаролар фаоллигини тақозо этиши шубҳасиз. Демак, ислохотлар муваффақияти етакчининг бошқарув санъати билан бир қаторда оддий фуқаролар саяё ҳаракатига ҳам боғлиқ бўлиб қолади. Ҳар ҳолда демократия назарияларида шундай ўқтирилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда бўлиб ўтган инаугурацияси маросимидаги ўй-хаёллар қўлимга қалам тутқазди. 2023 йил 14 июль куни мамлакатимиз ўз тарихининг яна бир янги босқичига қадам қўйди. Бу даврда ҳаётимиз янада жўшқин,

ислохотларимиз янада жадал тус олади, деб хулоса қилишга барча асослар бор. Мазкур асос-далиллар Президент лавозимига киришиш маросимидаги нутқда баралла янгради.

Давоми 4-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

ИНСОН КАПИТАЛИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ мамлакат истикболини белгиловчи омилга айланмоқда

Технологик жараёнларнинг мунтазам янгиланиб бориши, инновацион ривожланиш ва интенсив иқтисодий ўсиш омилларининг тобора ортаётгани вазиятга тезкор мослашадиган малакали кадрларга талабни оширмоқда. Шу боис, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига асосан, ишлаб чиқилган еттига устувор йўналишнинг тўртинчиси сифатида “адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш” масаласи алоҳида ўрин олган.



Давоми 5-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ



Мамлакатимизда сўнгги йилларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва транзакция харажатларини камайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Бу, асосан, солиқ, божхона ва маъмурий юкни камайтириш, экспорт-импорт операциялари тартибини соддалаштириш ва турли рухсатномаларни олиш, пул муомаласи тизими ва банк секторини такомиллаштиришда ўз ифодасини топмоқда.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий соҳада қўнунчиликнинг шаффофлиги, ўзаро мувофиқлиги ва самардорлиги, мулк дахлсизлигини таъминлаш ва битимларни суд-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг такомиллаштирилиши борасида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилди.

Буларнинг ҳаётдаги самарасини биргина макроиқтисодий сиёсат йўналишида сўнгги етти йилда амалга оширилган ислохотларда яққол кўришимиз мумкин. Жумладан, жаҳон иқти-

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ШИДДАТЛИ ЕТТИ ЙИЛИ иқтисодий ислохотлар ривожланишнинг янги даврини бошлаб беради



содиётда кузатилаётган қийинчиликларга қарамайдан, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган ислохотлар натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиши 2017-2022 йилларда 5,1 фоизни ташкил этди.

Давоми 3-бетда

ФЕСТИВАЛЬ

“ДУНЁ САДОЛАРИ” ДАН ФАЙЗЛИ ХОНОБОД



2-бетга қаранг.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНING 75 ЙИЛЛИГИГА

ҲЕЧ БИР БОЛА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

бу тамойил конституциявий
асосланган

1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан сўнг халқаро ҳамжамият инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига устувор эътибор бера бошлади. Мазкур декларация матнида илк бор барча одамлар эга бўлган ҳуқуқларнинг глобал таърифи баён этилди. Яъни ушбу ҳужжат ҳар бир инсоннинг шахсий дахлсизлиги, мулк, эътиқод ва сўз эркинлиги, фуқаролик, давлат бошқарувида қатнашиш, сайлаш ва сайланиш, оила, меҳнат ва дам олиш, таълим, тиббий, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, маданият, санъат асарларидан баҳра олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Давоми 2-бетда

ЯҚИН ЎТМИШ ЁҒДУЛАРИ

Юрт эгасидан боғланган адабиёт байрами ёхуд ёш ижодкорларнинг Республика Зомин семинари ташаббускори ким эди?

Бир одам қазиган ариқдан минг одам сув ичади. Баҳор ёмғири сон-саноксиз майсаларга мадор киритади. Булоқдан оқиб тушган жилға ирмоққа, ирмоқлар дарёга айланади. Дарёлар дунёни яшил либосларга буркайди. Баланг учган бургут нигоҳи тоғнинг чўққисига ҳам тушади. Ёниқ сўз тошни кукунга, тафти гулни бутага, бутани дарахтга айлантиради...



Давоми 6-бетда

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНING 75 ЙИЛЛИГИГА

ҲЕЧ БИР БОЛА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

бу тамойил конституциявий асосланган



Хусниддин ХОЛМАМАТОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бош мутахассиси

Бошланиши 1-бетда

Декларация матни устида дунёнинг барча минтақаларидан ҳуқуқий ва маданий келиб чиқиши турлича бўлган вакиллар ишлади. Шу боис, декларация инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва долзарб глобал муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ ҳаракатлар учун асос яратувчи ҳужжат ҳисобланади. Декларацияни қабул қилган давлатлар ушбу ҳужжат ва халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Давлат институтлари бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этилишини таъминлашга ҳаракат қилади.

Декларация Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жаҳон андозаларига мос ҳуқуқий тизим ишлаб чиқиш учун тамал тоши вазифасини бажарди. Шу кунгача мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид 100 дан ортиқ қонун қабул қилинган ва улар халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштирилган.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Жаҳон миқёсидаги бундай тадбирларга 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган глобал форум кенг йўл очди. Шу форумда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигига бағишланган глобал кампанияга старт берилди. Форум доирасида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз 2023 йил 12 майда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги фармонни имзолади. Мазкур фармон билан 30 банддан иборат тадбирлар дастури

тасдиқланиб, халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва уларни миллий қонунчиликка мослаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни такомиллаштириш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ўрин олган.

Мазкур тадбирлар қаторида БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсиялари бажарилиши бўйича Миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан тадбирини алоҳида таъкидлаб ўтиш муҳим.

2022 йил 29 август-23 сентябрь кунлари БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 91-сессияси бўлиб ўтди. Сессия доирасида Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини бажариши юзасидан Бешинчи даврий ҳисоботи ҳам қўриб чиқилди.

Сессияда Ўзбекистон делегацияси аъзолари конвенция қоидаларининг модда-модда амалга оширилиши, миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар, жамиятда болалар мавқеини юксалтириш борасида эришилган ютуқлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Бундан ташқари, сессия доирасида бола ҳуқуқларига оид китоблар, рисолалар, журналлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар кўргазмаси ташкил этилди. Бунда иштирокчилар Ўзбекистон ҳукуматининг бола ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги устувор йўналишлари билан танишиш имконига эга бўлди. Улар мамлакатимизда болаларни ҳимоя қилишнинг миллий механизми яратилганини оқийшлари

ҳамда бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш жараёнини ижобий баҳолади.

Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини бажариши юзасидан Бешинчи даврий ҳисоботини қўриб чиқиш якунлари юзасидан таклиф ва тавсияларини тақдим этди.

Қўмитанинг якуний мулоҳазаларида жами 52 тавсия келтирилган. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, болаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳамда иқлим ўзгариши шароитида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича таклифлар билдирилган. Бугунги кунда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан қўмитанинг якуний мулоҳаза ва тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Умуман, бола ҳуқуқларини таъминлаш масаласи Ўзбекистон учун доим устувор мақсадлардан бири бўлган. Мамлакатимизнинг 1992 йил 9 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши бунинг яққол намунаси. Ўзбекистон болалар манфаатларига қаратилган давлат сиёсатини амалга оширар экан, **"Ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди"** деган тамойилга амал қилмоқда.

Қолаверса, "Инсон қадрини учун" тамойилига мувофиқ ўтказилган конституциявий ислохотлар доирасида мамлакатимиз Асосий қонунига болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-

лаш кафолатларини қучайтиришга қаратилган янги илғор нормалар киритилди. Шу тариқа, миллий қонунчилигимиз болалар ҳуқуқларига доир халқаро нормаларга тўла-тўқис мувофиқлаштирилди.

Янгиланган Конституциямизда болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, уларнинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича кафолатлар қучайтирилди, бу борада давлат мажбуриятлари кенгайтирилди.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини таъминлашга доир 40 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар **"Боланинг энг яхши манфаатлари"** тамойилини ҳаётга жорий қилишга қаратилмоқда.

Эндиликда болаларни 13 ёшдан жинсий жавобгарликка тортиш бекор қилиниб, бу 14 ёш этиб белгиланди. Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчи н сўроқ қилишда педагог билан бир қаторда психолог ҳам қатнашиши кўрсатилди.

2023 йил 11 апрелда қонунчиликка ўзгаришлар киритилиб, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларга жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш тартиқсидаги инсонпарварлик ақллари татбиқ этилмаслиги белгиланиб, бундай жиноятлар учун жазо чоралари янада оғирлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, бола ҳуқуқлари кафолатларини янада такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига ҳамоҳанг тарзда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигига бағишланган глобал кампанияга старт берилиши ҳамда бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, бир қанча тадбирлар амалга оширилаётгани мамлакатимизнинг халқаро шартномалардаги мақсад ва принципларга содиқлигини намоён қилади.

ФЕСТИВАЛЬ



Жазирама иссиқ тинкани қуритаётган, жамики жонзот соя-салқин, оромижон масканларда жон сақлагиси келаётган шу кунларда "Ўзбекистон Швейцарияси" дея таърифланадиган сўлим Хонободга отланганлар оқими ҳар қачонгидан салмоқли.

Бир ёнда — тоғнинг тоза ҳавоси, шовуллаган зиллол сув, тепаликдаги сихаттоҳлар, бир ёнда — шаҳарда илк бор бўлиб ўтган "Дунё садо"лари халқаро миллий эстрада санъати фестивали. Жаҳон эстрадасининг ёрқин юлдузлари — "Dr. Alban", "Boney M.", "Fly Project", "Gafur va Rakhim"лар республикамизнинг чекка бир ҳудудига ташриф буюришига ишонмаганлар ҳам кўп бўлди.

Мазкур халқаро фестивални ўтказиш таклифи Президентимизнинг 2019 йил Андижон вилоятига ташрифи давомида туризмни ривожлантиришга доир лойиҳалар тақдимоти чоғи ички ва ташқи туризмни ривожлантириш мақсадида илгари сурилган эди. 2022 йил 3 февралда эса давлатимиз раҳбарининг "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан 2023 йилда "Дунё садолари" халқаро миллий эстрада санъати фестивалини ўтказиш белгиланди.

Маданият ва туризм вазирлиги мутасаддилари томонидан фестиваль доирасидаги тадбирлар ташкил этиладиган майдон, сахналар белгиланган, уларни барпо этиш, меҳмонларни жойлаштиришга ҳозирлик ишлари бошланди. Шаҳарга олиб борувчи йўللарда таъмирлаш,

тозалаш ишлари бажарилди. Фестиваль логотипи туширилган баннерлар, "Хавфсиз шаҳар" лойиҳаси доирасида ҳудуд атрофида қузатув камералари ўрнатилди.

— Хонободда яшаётганимдан гурурланаман, — дейди Мукаррам ая Сотиболдиева. — Мана шундай тадбирлар керак экан. Шаҳримиз азалдан чиройли, машҳур бўлган. Шу байрам баҳона янада гузаллашиб кетди. Боғларимиз фойзига фойз қўшилди, Хонободимиз янада обод бўлди.

Хизматда 30 та автобус, 100 та такси

Фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бадий жамоаларидан 400 дан зиёд иштирокчи жалб этилди. Шунингдек, Чехия, Болгария, Латвия, Польша, Сербия, Грузия, Россия, Қозғоғистон, Греция, Тожикистон ва бошқа бир нечта давлатдан 30 дан зиёд вакил Хонободда меҳмон бўлди.

Андижон вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи Уткирбек Машраповнинг айтишича, аҳолини тадбир кунлари транспорт билан таъминлаш мақсадида 100 дона махсус енгил машина Хонобод шаҳри ичидан меҳмонларга

бепул хизмат қилди. Шунингдек, 30 та замонавий автобус ҳам меҳмонлар иштиёрида. Хонободга кираётган фуқаро, йўловчилар учун эса 20 та жамоат транспорти ташкил қилинди. Шаҳаргача келган фуқаронинг фестивалга етиб келишида ҳеч қандай муаммо кузатилмади.

27 метрлик рўмол

Тадбирда барча вилоятлар ижодий жамоалари, хунармандлари ўзига ажратилган майдонларда ҳудудга хос урф-одатлари акс этган бадий чиқишлари, хунармандлик кўргазмаларини намойиш қилди.

Республика "Хунарманд" уюшмасининг Андижон вилоят бўлими раҳбари Уткирбек Араббоевнинг билдиришича, ҳудудлардан 4 нафардан, мезбон вилоятдан эса 40 нафар хунарманд қўл меҳнати намуналари билан қатнашди, уларга барча шароитлар яратиб берилди.

Гиннесснинг рекордлар китобига кириш учун 27 метрлик рўмол тўқиган андижонлик хунарманд Майрамхон опа Ҳамроева фестивал баҳона ўз маҳсулотини жаҳон ахлига кўрсатаётганидан хурсанд. Дунё бўйича қўл меҳнати орқали яратилган бу энг катта рўмол тадбир бўлаётган ҳудудга жойлашган икки қаватли савдо мажмуасининг том

Яна янги истеъдодлар кашф этилди

14 июль кунин Хонобод шаҳар Ёшлар марказида халқаро тадбирнинг эстрада йўналишида қатнашиш истагини билдирганлар учун республика саралаш босқичи бўлиб ўтди. Унда 40 дан ортиқ гуруҳ ва қўллаб-яккаш ижрочилар куч синашди.

Ғолиблар фестивалнинг очилиш маросимида тантанали тақдирланди. Фахрли ўрин ғолибларига диплом, статуэтка ва пул мукофоти (3-ўрин — 10 миллион, 2-ўрин — 20 миллион, 1-ўрин — 30 миллион сўм) тақдим этилди. Гран-при совриндори эса 40 миллион сўм пул мукофоти, диплом, статуэтка билан тақдирланди. Шунингдек, ғолиблар фестивалнинг асосий тадбирларида иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, фестивалларда янги-янги иқтидорлар, истеъдодлар кашф этилди. "Дунё садолари" ҳам ёшларнинг миллий эстрада санъатига бўлган қизиқишини орттиришига шубҳа йўқ.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Избоскан туман 6-Болалар мусика ва санъат мактаби ўқитувчилари ҳамда "Андижон вилояти намунавий мақом ансамбли" созанда-хонандалари томонидан "Dr. Alban", "Boney M.", "Fly Project", "Gafur va Rakhim" каби дунё юлдузларининг қўшиқлари ўзбек миллий асбоблари ёрдамида ижро этилиб, яхлит, гўзал ижод намунаси яратилди. Тадбирнинг очилиш маросимида ўзбек миллий кийимларида чиқиш қилган "Boney M." гуруҳи балки шу каби кутилмаган совғалардан илҳомланиб, миллийлигимизга ҳурматини намоён қилгандир.

Маданият ва туризм вазирлиги Озодбек Абдураҳмонов, Андижон вилояти ҳокими Шўхрат Абдураҳмонов билан бирга дунё юлдузлари ҳам дароҳт ўтказиш маросимида иштирок этгани шаҳар ахли учун тарихий воқеалик бўлиб қолади.

Меҳмонларда яна келиш истаги туғилса, бахтиёримиз

Эътибор беринг-а, чет эллик иштирокчилар фестивалда нафақат ўз тилларида, балки ўзбек тилида ҳам қўшиқ ижро этди. Бу эса ўзбек санъатини дунё бўйлаб тарғиб қилишда муҳим восита ҳисобланади.

— Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғидаги асосий сахнадан ташқари яна 4 та катта сахна тайёрланди, — дейди Андижон

вилояти ҳокими ўринбосари Насибулло Мўминов. — 1.5 минг кишилик меҳмонхона, кичик меҳмон уйлари шай ҳолатга келтирилди. Нуфузли меҳмонлар учун машҳур Хонобод санаторийси хизмат қилди.

Фестиваль доирасида "Туризм хартиса"га биноан вилоятдаги 40 та тарихий ва зиярат объектлари орқали ҳудуднинг сайёҳлик салоҳияти намоён этилди. Мазкур объектларда ҳам меҳмонларни муносиб қутиб олиш учун зарур чора-тадбирлар қўрилди.

Уйлаймизки, Хонободга илк бор келаётган меҳмонларимизда қайтиб келиш истаги туғилди, албатта ва без бундан бахтиёримиз. Зеро, асл мақсадимиз ҳам фестиваллар орқали еш авлодни Ватанга муҳаббат, миллийлик руҳида тарбиялаш, хорижиликларда Ўзбекистонга нисбатан қизиқиш уйғотишдир.

18-20 июль кунлари ўтказилган "Дунё садолари" минг-минглаб санъатсевар юртошларимиз қалбига кириб борди. Тун ярмига қадар давом этган галаконцертлар қалби қайноқ ийигит-қизларни шўх рақсларга ундади. Манзиллар обод, кўнглилар шод бўлди. Ўзбек ва жаҳон эстрадасининг ёрқин юлдузлари ҳамisha гўзал ва навақирон Хонобод осмонидан сўнмас нур сочди.

Муножат МЎМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Хулосалилиб айтганда, янги Ўзбекистонда ислохотлари ўзининг самарадорлиги билан инсонлар ва мамлакатнинг ҳаётида ўзига ҳос ихобий из қолдирир. Давлатимиз раҳбари томонидан тақлиф этилаётган янги ва ўзоқ истиқболга мўлжалланган ислохотлар эса ривожланишининг янги тўққинини жадал тараққиётимизнинг янги даврини бошлаб бериши шубҳасиз. Демак, Президентимиз айтганидек, бу йўлда “Ҳар бир кун — бу имконият, ҳар бир кун — бу келажак пойдевори” дир.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ



Отабек ҲАСАНОВ,
сиёсий фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистонни ижтимоий давлатга айлантириш, ислохотлар марказини маҳаллага кўчириш, конструктив муҳолифат фаолиятини кафолатлаш, “яшил” иқтисодиёт тамойилларини кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш индустрияси кучли ривожланган давлатга айланиш қабиладар нуктда тилга олинган масалалар рўйхатининг айримлари, холос. Уша кун **давлатимиз раҳбари асосий нъюсмейкерга** айланди.

“Фақат деҳқончилик билан кун кўрадиган мамлакат бўлиб қолмаслигимиз керак”

Маърузада мамлакатимиз ривожига билан боғлиқ энг ўткир, энг долзарб, энг муҳим масалалар кўтарилди, уларнинг ечимлариغا йўналтирилган ҳамда аниқ рақамлар билан ўлчанадиган марралар (замонавий менежментда бундай мақсадлар SMART-мақсад, деб аталади) белгиланди. Мана шу мақсадлардан бири: “Биз 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмининг 160 миллиард долларга етказишдек жуда катта марра олдик”. Айтилиши осон, лекин бажарилиши нихоятда мураккаб бўлган бу мақсадга эришишнинг ўзи бўлмайдиган, албатта. Аниқ ҳисоб-китобларга таянганда бўлсак, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 80,4 миллиард доллардан (2022 йилда) маърузада таъкидланган рақамга етказиш деярли **икки баробар (!) ўсишини** назарда тутди. Ва бундай сакрашга бори-йўғи 7 йилда эришиш талаб этилади.

Бу маррани белгиланган давлатимиз раҳбари кўп ҳисоб-китобларга таянган, имкониятларимизни сарҳисоб қилгани, халқнинг сафарбарлигига ишонгани аниқ. Маърузада бу ҳақда шундай дейилди: “Биз фақат деҳқончилик билан кун кўрадиган мамлакат бўлиб қолмаслигимиз керак. Биз ишлаб чиқариш индустрияси кучли даражада ривожланган давлатга айланишимиз зарур... Биз нафақат моҳир пахтакор ва богбонлар улқаси, балки юқори малакали ИТ мутахассислар, инженер ва энергетиклар, кончи ва металлурглрлар, физик ва кимёгарлар мамлакатга бўлишимиз керак”. Тўғри-да, дунёда тўрттинчи саноат инқилоби авжига чиқаётган, сунъий интеллект инсон билан рақобатда қирлишган бир пайтда деҳқончиликни ривожлантириш эвазига тараққий этиб бўлмаслиги мукаррар. Шу боис, Президентимиз **ИНСОН**, унинг салоҳияти ва фаолиятини ислохотларнинг энг муҳим драйвери сифатида танламоқда. Беш стратегик мақсадни ўз ичига олган Сайловолди дастурида дастлабки мақсад сифатида инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсади танланиши ҳам бежиз эмас, албатта. Қолаверса, Президентимиз давлат бошқарувиغا келгандаёқ илгари сурилган ўзасқ-ғоя: “**Инсон кадри учун**” ғояси ўзгаришсиз қолди.

“Бугунги замон — бу кечаги замон эмас”

Ҳақ гап. Халқимизнинг онги, дунёқарashi ўзгариб, Ўзбекистон халқи кечаги халқ эмас. Бугунги халқ мажбурий меҳнатга жавобан қилинган рози бўлмайди, ҳаққини талаб қилмаган халқ. Бугунги халқ “Ташаббусли бюджет” жараёнида фалок қатнашиб, маҳалласининг муаммоларини баҳоли қудрат ўз кучи билан хал қилаётган халқ. Бугунги халқ нобоб ишлар ҳақида

бонг уриб, уларни тўхтатишга қудрати етмаётган халқ. Бугунги халқ зурриёдларнинг эртанги тақдири ҳақида қайғуриб, ҳар бир новда-нихолни ўз ҳимосига олаётган халқ. Бугунги халқ масжидларда баралла айтилаётган азонлар билан намоз ўқишга қорланаётган халқ. Бугунги халқ Умра сафарига бораётганлар сони бўйича рекорд қўяётган халқ. Бугунги халқ ўз фарзандининг бири бўлмаса, бошқа олий ўқув юртига киришига ишонадиган, бир неча йил умрини йўқотмаслигидан хотиржам халқ. Бугунги халқ бошлиқларнинг хатоларини аямасдан танқид қила оладиган, керак бўлса, ўзидан кеҳирим сўраттирадиган қудратга эга халқ. Бугунги халқ амалдорлар “катта одам” эмас, балки халқ хизматида ёлланган одам эканини тушуниб етган халқ. Бугунги халқ жамиятдаги ҳар қандай адолатсизликка барҳам берилишига ишонадиган халқ. Энг муҳими, “**Одамларимиз катта мақсадларга интилишдан, ташаббус кўрсатишдан, янгилик яратишдан қўрқмайпти**”.

Халқимиз онги ва дунёқарashi ўзгаришини давлатимиз раҳбари, “**энг катта ютуғимиз**” дея баҳолади ва “**Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади**”, деган хулосани илгари сурди, одамларга шу тахлит мотивация берди.

Кечаги кун билан бугунги кун ўртасида фарқ шу қадар каттаки, олти ярим йилда амалга оширилган ўзгаришларни, эришилган ютуқларни кўриб, Президент кўп-кўп такрорлайдиган ибора беихтиёр тилга келади: “**Бўлар экан-ку**”. Демак, келгуси етти йил учун ҳам қанчалик баланд марра белгиламайлик, мақсадларимизга етишимиз, қўйилган вазифаларни уddалай олишимиз аниқ. Келгуси 7 йилда ҳам “Бўлар экан-ку”, деган эътирофларга лойиқ ишлар бисёр бўлишига ишончимиз қомил. Лекин бунинг ўз шартлари бор. Президентимиз таъбири билан айтганда, “**...Бугунги кескин рақобат оламида кечаги мезон ва ёндашувлар билан ривожланиб бўлмайди. Кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонлар энди тарих. Улар энди бизни қониктирмайди. Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади**”.

“36 миллионлик халқ учун шахсий жавобгарлик”

Ҳаёт ўзгарувчан. Ўзгаришлар ўзлуксиз табиятга эга бўлади ва ўзаро боғлиқликда юз беради. Яъни бир соҳадаги ўзгаришлар бошқа соҳаларда ҳам ўзгаришлар келтириб чиқаради. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистонда амалга оширилган Конституциявий ислохотлар навбатдаги қатор ўзгаришлар учун катализатор вазифасини бажарди. 2023 йил 9 июль куни бўлиб ўтган Президент сайлови ҳам Конституциявий ислохотларнинг мантқий давоми бўлди. Сайлов натижаларига кўра, Шавкат Мирзиёев 87,05 фоиз овоз билан 7 йил муддатга Президент этиб қайта сайланди. **87,05 рақамида** гавдаланган сайлов натижалари нимани аңглатди? **Биринчидан**, бу рақам халқнинг шу вақтгача Ўзбекистонда юз берган ўзгаришларга муносабатини, яна ҳам аниқроғи, ихобий муносабатини ифодалайди. **Иккинчидан**, бу рақам шу тахлит ўзгаришлар мамлакатимизда бардавом бўлиши истаги устувор эканини намоён этади. **Учинчидан**, бу рақам Ўзбекистонда туб ва жадал ислохотларни бошлаб берган ва уларнинг бошида турган етакчи бу ўзгаришларни охирига етказиши зарурлигини кўрсатади. **Тўртинчидан**, бу рақам ҳокимиятнинг легитимлигини оширувчи ва муштаҳамловчи асос бўлиб хизмат қилади. Ва нихоят, **бешинчидан**, бу рақам халқнинг ўз етакчисига ишончини намоён этди. Бундай ишонча сазовор бўлишнинг юки эса нихоятда оғир. Бу одамларнинг ишончини оқлаш келгуси 7 йилликда ҳаловатсизлик, доимий тарағн асаблар, бедор кечалар, ўнлаб таширф, юзлаб ўқараш, минглаб қарор, қисқаси, доимий фаоллик ҳолатига шайланишни назарда тутди.

Халқ ишончини қозониш сиеятининг нихоятда қиммат ресурслардан бири саналади. Ҳўқмдорларга ишонч ва уларнинг халқ ҳурматига сазовор бўлиши масаласига Конфуций ўз даврида катта эътибор қаратган эди. Шогирди Цзи Гуннинг бошқарув моҳиятига оид саволига жавобан донишманд шундай дейди: “Яъни бошқариладиган давлатда озиқ-овқат етарли бўлиши керак, қурол-аслаҳа етарли бўлиши керак ва халқ ўз ҳўқмдорига ишонини оқлаш керак. Ўтир зарурат турилганда қурол-аслаҳадан, озиқ-овқатдан воз кечмиш мумкин, лекин халқ ишончидан асло воз кечиб бўлмайди. Негаки, бундай ишончдан маҳрум давлат қийинчиликларга дош бера олмайди”.



Халқ ишончи қозонилди. Энди бу ишонч-ни оқлаш керак. Аниқроғи, 87,05 фоиз Президентга тикилган умидвор нигоҳларнинг ишончини оқлаш керак, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қодир бўлиш керак. Улар эса давлатимиздан амалий ишлар кутмоқда, салмоқли, самарали ишлар кутмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, “**Миллионлаб инсонлар — ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз, ўғил-қизларимиз бугун бизга умид ва ишонч билан кўз тикиб турибди. Ана шундай умид ва ишонччи оқлаш, эришган ютуқларимизни янги натижалар билан муштаҳамлаш бизнинг нафақат вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланиши шарт**”.

“Тизим ўзгаради, вазият ўзгаради, самардорлик ўзгаради”

Ўзгаришлар тақомилни, тараққиётни, юксалишни назарда тутди. Глобаллашуви ўзгаришларни, янгилинишларни мукаррар қилиб қўйди. Тараққиёт шиддати ортда қолаётганларни аёвсиз жазоламоқда, тезкор бўлишга, вақтдан ўзишга, замондан илгарилашга ундамоқда. Шу нуктаи назардан, келгуси 7 йилликда Ўзбекистондаги ҳаёт мазмуни ўзгариши, жараёнлар янги сифат касб этиши, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янада демократлашуви мукаррар. Чўнки Сайловолди дастурида белгиланган марралар янги вазифалар сифатида кун тартибидан ўрин олди.

Кун тартибидagi вазифалардан бири — **ижтимоий давлат қуриш** билан боғлиқ. Тан олиш керак, бу — амалга оширилиши нихоятда машаққатли, давлатга қимматга тушадиган ва қарор қабул қилувчилардан фавқулодда жавобгарлик талаб этадиган ғоя. Ижтимоий давлатда моддий бойликлар ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ тақсимланади, ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт даражаси таъминланади, эҳтиёжмандларга қўмақ берилади. Буларнинг барчаси учун масъулият давлат зиммасига юкланади.

Ижтимоий давлат моҳиятини акс эттириш учун айрим олимлар уни “оммавий роҳат-фароғат давлати” деб, бошқалари “ҳўмий-давлат” дея талқин қилади. Ижтимоий давлат бюрократия, коррупция, қонунсизлик каби иллатларга тоқатсиз бўлади. Ижтимоий давлатнинг қурилиши буюхетга катта юклама бўлиб тушади, чўнки ялпи ички маҳсулотнинг анчагина қисми социал сиестата йўналтирилади. Гарчи чикимдор ва ўта мураккаб бўлса-да, ижтимоий давлат нихоятда инсонпарвар, халқчил, фуқароларнинг манфаат-эҳтиёжларини максимал даражада қондирадиган модель ҳисобланади. “**ИНСОН КАДРИ**” бундай давлатнинг марказий масаласига айланади, инсон капиталини ривожлантириш давлатнинг бирламчи вазифаси сифатида тан олинади.

Давлатимиз раҳбари томонидан янги марраларга эришишда бошқарув кадрлари олдида қўйиладиган **талаблар** ҳам белгилаб берилди. Булар қуйидагилар:

- аввалгидан икки-уч қарра кўпроқ гайрат ва шижоат билан ишлаш;
- потенциал хавф-хатар, тўсиқ ва ғовларни эътиборга олиш ҳамда улардан бетаалофат ўтиш чораларини қуриш;
- йўл қўйилган хато ва камчиликлардан зарур хулосалар чиқариш;
- халқ кутаётган, давр талаб этаётган янги ғоя ва ташаббусларни илгари суриш;
- тобора тақчил бўлиб бораётган ресурслар, мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан оқилона фойдаланиш;
- ҳар қандай муаммони ақл билан, илм-фан ютуқларига таянган ҳолда хал қилиш;
- жамият билан доимий мулоқотда бўлиш, халқимиз билан баамсалахат иш қилиш.

Тизим ўзгариши учун, вазият, самардорлик ўзгариши учун Президентимиз айтганидек, “**Парламентимиз, ҳўкуматимиз, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ўзларининг келгуси фаолиятларини мана шу омилларнинг барчасини инобатга олган ҳолда ташкил этишлари зарур**”. Бошқа йўл йўқ.

Ноқобил раҳбарлар билан хайрлашув

Президентимиз давлат бошқарувиға келиши билан раҳбар кадрларда учрайдиган иллатларга қарши муросаси кураш бошлади. Дастлаб улардан юмшоқ ором-курсларини тарқ этишни, ўз кабинетдан

чиқишни, муаммолар эпицентрига бориб ишлашни талаб қилди. Раҳбарлар ўз “комфорт зонаси”дан чиқишга мажбур бўлди. Лекин мақсад бу эмас эди. Мақсад — раҳбарларни халққа юзлантириш, давлат ва жамиятни ўзаро бир-бирига яқинлаштириш, жойлардаги муаммоларни батафсил ўрганиш асосида тўғри бошқарув қарорлари қабул қилинишини таъминлаш эди.

Бундай ёндашуви асосида “осмонда юрган” раҳбарлар “ерга тушди”, одамлар билан муомала қилишни (гарчи қийин бўлса ҳам), фуқароларни тинглашни (бошлиқ учун ўта муҳим ва ўта камёб ҳислат) ўрганди, уларда эмлатия (бошқаларнинг тўғйларини, дардини тушуниш лаёқати) пайдо бўлди. Бу бошқарув кадрлари эндиликда кўр-кўрона, масаланинг ичига қирмай қарор қабул қилишдан йироқлашди. Ҳар бир масалани ақл чиғиригидан ўтказиб, уларнинг ечимлари амалиётда қандай “ишлаш”и чамалаб қуришга одалди. Улар пишқи-пухта, кучли тахлил ва далилларга асосланган, ва энг асосийси, халқчил қарорларга имзо чека бошлади.

Яшириб нима қилимиз, раҳбарлар билан халқ ўртасидаги “Хитой девори” олинган, аҳоли ўз раҳбарларини таний бошлади. Сайёр қабуллар, ОАВга интервьюлар, депутатлар олдидаги ҳисоботлар ўз натижасини берди, давлат идоралари фаолиятининг очкичилиги таъминлаш борасида вазият мутлоқо ўзгарди.

Кейинги босқичда Президентимиз раҳбар кадрлар фаолиятини баҳолаш мезонларини тубдан ўзгартирди. Эндиликда бошқарувчиларнинг фаолияти халққа фойдалилик тарозисида, самардорлик ва натижадорлик нуктаи назаридан ўлчана бошлади. Халқ эҳтиёжларига мослашиш талаби орди. Силлиқ ҳисоботлар учун ишлаш даври ўтди. Инаугурация маросимдаги маърузасида давлатимиз раҳбари бу масалани яна бир қарра ургулади: “**Барча бўғиндаги раҳбарларга чироили, баландпарвоз гапига қараб эмас, фаолиятининг аниқ натижасига қараб баҳо берамиз**”.

Албатта, гуруч курмаксиз бўлмайди. Эътиборлиси шундаки, оммавий аҳборот воситаларида энг кўп иқтибос келтирилган фикр қуйидагиси бўлди: “**Қонунларни, одамларни менсимайдиган, уларга қўпол муносабатда бўладиган, бюрократия ва коррупция балосига берилган ҳар қандай раҳбар билан — у вазир ёки ҳўким бўладими, бошқа масъул вазифадаги амалдор бўладими — салбий ҳаракатлари билан давлат обрўсига путур етказётган бундай кишилар билан узиш-кесил хайрлашамиз**”. Гарчи Президентимиз илк кўнраданок раҳбар кадрларда учрайдиган қир-хаво, қўполлик, порухўрликка қарши курашга энг шимариб қирлишган бўлса-да, бу соҳада ҳали қилдиган ишларимиз кўп.

Ваҳоланки, давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати билан Ўзбекистонда давлат бошқаруви фалсафаси тубдан ўзгарди. Илгари давлат бирламчи бўлиб, одамлар унинг манфаатларини қондирувчи воситага айлантирилган бўлса, ҳозирда бошқарув пирамидаси 180 градусга ўзгартирилди. Инсон, жамият, халқ пирамиданинг чўқисини эгаллади, давлат сиеятининг марказидан ўрин олди, унинг манфаатлари олий қадриятга айланди. Мўҳими, инсонга ўзгаришларни амалга оширувчи восита деб эмас, ўзгаришлар мақсади сифатида муносабат шаклланди.

“Ким кимга хизмат қилмоғи лозим: давлат инсонгами ёки инсон давлатгами?”, деган фалсафий саволга қатъий жавоб топилди: давлат — инсонга. Шавкат Мирзиёев сиеятининг мазмуни ва талаби оддий ва содда тарзда ифодаланди: **давлат хизматчиси аввало, халқ хизматчиси бўлиши шарт**. Халқ юкини ўз елкасига олиш, одамларни ҳаётдан рози қилиш — раҳбарлар фаолиятига баҳо беришнинг ўлчов бирлигига айланади. Тўғри-да, ҳар бир инсон, у жамиятда қандай ўрин эгаллаганидан қатъи назар, уни кадрлаши ва ҳўрмат қилишини истади. Кибрга берилиш, бировларнинг кўнглини оргитиш, зулм қилиш Аллоҳга ҳам хўш келмайди.

Жаид боболаримиз йўриғидан бориб, Президентимиз бундай раҳбарлардан маърифат нажот бўлишини ўқтирмоқда, бошқарувдаги муаммолар ечимини ҳам таълимдан изламоқда. Раҳбар кадрларнинг ўзлуксиз ва тизимли таълимининг йўлга қийлини, ўқувлар сифатини оширишни, хорижий тажрибани ўрганишни давр талабига айлантирмоқда.

Тан олиш керак, Ўзбекистонда янги шароитларга мослашувчан, олдида қўйилган масалаларни тезкор ва сифатли ҳал этишга қодир, профессионал кадрлар тақчилиги мавжуд. Шундай бўлса-да, давлат

обрўсига путур етказётган амалдорлар ҳақида гапирар экан, Президентимиз уларнинг ўрнини ким босишини оқлади: “**Уларнинг ўрнига билимли, Ватан ва халқ ташвиши билан яшайдиган ёш-ёш йигит-қизларни қўямиз**”.

“Ёшлик — ғанимат, вақт — ғанимат, фурсат борида отни қамчиланг!”

Давлатимиз раҳбари нуктида янраган бу даъват юртимиздаги 18 миллиондан зиёд навқирон ўғил-қизларга қаратилди. Негаки, Президентимиз айнан ёшлар тим-солида “Янги Ўзбекистон” бунёдқорларини, “Учинчи Ренессанс” яратувчиларини қўрди. Уларга бугунги ва эртанги кўннинг эгалари сифатида қарайди. Уларнинг садоқати ва фидойилигига ишонади.

Хўш, Президентимиз айнан ёшларга умид боплаётганининг сабаби нима? **Биринчидан**, ёшлар — тоталитар фикрлашдан холи, демократияга очик тоифа. **Иккинчидан**, улар иштиёқи баланд, билаги кучга тула, осмондаги ойни ҳам олиб беришга тайёр гайрат соҳибидир. **Учинчидан**, улар ўзгаришларга очик, янгиликларга мослашувчанлиги нисбатан юқори. **Тўртинчидан**, ёшлар довораклиги туфайли ҳатто сунъий интеллект билан рақобат-



лашишдан тоймайди. **Бешинчидан**, ёшлар ташаббуслари ичига сиймайдиган, билимга чанқоқ гуруҳ ҳисобланади. Ва энг муҳими, ёшлар лидерликка даъвогар, келажак билан боғлиқ катта-катта режалар қураётган, баланд парвозга шай қатламдир.

Президентимиз айнан шундай ёшларга қанот бериб, уларни мансаб отига миндирмоқда. Қўбилиятли, тиришқок ва лаёқатли ёшлар учун раҳбарлик ашиқларини очмоқда. Билимли ва юртига садоқатли кадрлар 22 ёшидаёқ вазир ўрин-босари бўлиши мумкинлигини амалда исботламоқда. Давлат хизмати тизимини фидойий, салоҳиятли, профессионал кадрлар ҳисобига тўлдиришда ёшларга таянмоқда. Бундай мансаб пиллапоаяларидан қўтарилишда ёш ва тажриба эмас, қўбилият, ақл-заковат ва иштиёқ ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бу ҳақда Президент шундай дейди: “**Мана, сафимизга юртимиздаги, чет элдаги нуфузли олийгоҳларда ўқиган, йнраки қўмондаларда ишлаган қанча-қанча салоҳиятли ёшлар кириб келмоқда. Мен уларнинг тим-солида аввало эртанги кўннимизнинг янги раҳбарларини, ҳўдуд, тармоқ ва соҳаларнинг моҳир бошқарувчиларини қўраман**”. Ёшларга билдирилган бундай ишонч, уларни мансаб пиллапоаяларидан қўтарилишига берилган бундай рағбат эртага ўз меваларини бериши шубҳасиз.

Кадрлар тобланадиган маскан

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “ютуқлар дафтери”га битилган ўзгаришлардан яна бири маҳалла билан боғлиқ. Давлат бошқарувидаги ислохотлар боис, барча давлат идоралари фаолияти маҳаллагача туширилди. Маҳалла, ўз навбатида, бошқарув пирамидасининг чўқисига қиқарилди. Маҳалла давлат сиеятининг муҳим бўғини, ислохотлар драйверига айланди.

Эътибор берадиган бўлсак, дастлаб маҳаллаларга тушиб, муаммоларни ўрганиш, тизимли муаммолар аниқланган, тегишли вазирликларда бу муаммоларни

ҳал қилишга йўналтирилган қарорлар қабул қилинди. Бора-бора маҳалла муаммолар ўрганиладиган ва аниқланадиган маскандан муаммолар жойида хал қилинадиган, муҳим қарорлар қабул қилинадиган масканга айланди. Аҳоли фаровонлигини таъминлашда маҳалла жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги “таянч кўприк” вазифасини ўтай бошлади. “Очиқ бюджет” лойиҳасининг ишга туширилиши натижасида маҳалла жамоатчилик бошқарувининг муҳим бўғинига айланди.

Маҳалла мўъжаз бир ҳокимият моделини ўзда гавдалантириб, уни менежер-раис раҳбарлигидаги “бешлик” бошқара бошлади. Бу “бешлик” очик танлов асосида шакллантирилди ва дастлабки босқичда ўқитилди. Ундан ўрин олганлар маҳаллада бебаҳо тажриба ортттира бошлади. Улар хонадонбай ишлашни, муаммоларнинг халқчил ечимларини топишни, сабр қосаси тўлган одамларни тоқат билан тинглашни ўрганмоқда. Улар устуворликларни белгилашни ўрганипти: қайси оилалар бирламчи қўмакка муҳтожлигини аниқлапти. Улар беғоналарнинг тўғйларини тушунишни, уларга қайғудош, ҳамдард, қўмақдош бўлишни ўрганмоқда. Мўҳими, одамларнинг оғирини енгил қилишдек савобли амаллардан роҳат топмоқда. Маҳалладаги муҳит, маҳалладаги муаммолар, маҳалладаги иш услуби уларни тобламोқда.

Институционал жиҳатдан тақомиллаштирилган маҳалла янги авлод бошқарув кадрларини тайёрлашнинг ҳаётий мактабига айланди. Маҳалла “қозонида қайнаган” кадрлар эндиликда юқори ва масъулиятли лавозимларга тайинлана бошлади. Бошқача айтганда, Президентимиз маҳалладаги бешлик учун карьера моделини қизиб берди: маҳаллада ишлаб, халқ дардини билиб, унинг муаммоларини ҳал қилишга астойдил бел боплаган маҳалла менежерларини юқори лавозимларга тайинлаш механизмининг яратди. “**Раҳбар бўлиш учун халқнинг ичидан чиқиб келиш керак**”, деган тамойил амал қила бошлади. Маҳалладаги бешлик ҳали кўплаб жонқувар ва фидойи кадрлар учун яхши “трамплин”, кучли мотивация, ўзига ҳос ижтимоий лиффт вазифасини ўташи аниқ. Бу жиҳатдан “халқ хизматидаги давлат”ни барпо этишда, инсонпарвар бошқаруви таъминлашда маҳалла катта роль ўйнамоқда.

“Ҳақиқий сафарбарлик энди бошланади!”

Одатда, мамлакат ҳаётининг ҳал қилувчи паллаларида ялпи сафарбарлик эълон қилинади. Сайлов ва референдумлар ҳам ана шундай жараёнлар сирасига қиради. Конституциявий референдумда ҳам, Президент сайловида ҳам Ўзбекистон халқи ана шундай сафарбарлиқни намоён қилди. Лекин Президентимизнинг мана бу



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ҚЎИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

ЁЗГИ ОРОМГОХЛАРДА

БОЛАЛАР
САЛОМАТЛИГИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ

табиатдан баҳра олиш учун
ғоят қулай фурсат

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улут мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган ёш авлодга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ёшларнинг билим ва иқтидори, ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш билан бир қаторда, уларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш ҳам замонавий талабларга мос равишда амалга оширилмоқда.

Хусусан, соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этиладиган болаларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш ва ривожлантириш долзарб масалалар сирасидандир. Зеро, ёзги таътил болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, табиатдан баҳра олиш учун ғоят қулай фурсат саналади.

Бугун ёзги таътил чоғида меҳнат жамоалари ходимлари фарзандларига оромгоҳларга йўлланма бериш яхши анъанага айланган.

“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти бирлашган касаб уюшма кўмитаси ҳамда тизимдаги бошланғич касаб уюшма кўмиталари ана шундай хайрли ишни йўлга қўйган.

Акциядорлик жамияти ташаббуси билан ёзги таътил давомида тизимда фаолият кўрсатаётган ишчи-ҳодимларнинг жами 2 минг фарзанд соғломлаштирилиши режалаштирилган.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ бирлашган касаб уюшма кўмитаси берган маълумотларга қўра, таътил бошланғичи билан ҳодимлар фарзандлари ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига навбат билан юборилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 61, Навоий вилоятидан 85, Сирдарё вилоятидан 270, Қашқадарё вилоятидан 600 дан ортиқ бола мамлакатимизнинг сўлим ҳудудларидаги оромгоҳларда дам олиб қайтган.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ТОМОРҚАЧИЛИК

Ўзбек учун бир парча ер қадрли, азиз. Чунки у нафақат оила даромадига даромад қўшади, балки юрт фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим омили саналади. Шу боис, мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшлар бандлигини таъминлашнинг энг самарали усулларидан бири сифатида уларга деҳқончилик қилиш учун ер ажратиб берилмоқда.

Тошкент вилоятида жорий йил бошдан буён 1200 дан зиёд ёшнинг ҳар бирига 20 сотихдан 50 сотихгача ер ажратилди. Биргина Бекобод туманида ишсиз ёшларга ажратилиши режалаштирилган ер 749,5 гектардан иборат эди. Ер оладиган ёшлар эса 1435 нафар бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўртача 0,50 сотихдан ер теғди.

Сўнгги йилларда қафдтеқкина ердан оқилона фойдаланиб, салмоқли даромад олаётган ёшлар кўп. Бу борада улар тажрибали деҳқонлардан ҳам ўзиб кетмоқда. Қандай қилиб дейсизми?

Жамият

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

НУҚТАИ НАЗАР

ИНСОН КАПИТАЛИГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ
мамлакат истиқболини белгиловчи
омилга айланмоқда

Эгамқул НОСИРОВ,
Тошкент молия институти кафедра мудири,
иқтисодиёт фанлари номзоди

Шоира АСАМХЎЖАЕВА,
Тошкент молия институти доценти вазифасини бажарувчи

“

МАМЛАКАТИМИЗДА, УМУМАН, ЖАХОНДА ИНСОН КАПИТАЛИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА ҚАРАЛАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС. ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ МИЛЛИЙ БОЙЛИҚДАГИ УЛУШИ 80 ФОИЗГАЧАНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ШУ БОИС, ДУНЁНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАРИДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бошланиши 1-бетда

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

қаторига кириш каби масалаларга эътибор қаратилгани юртимизда инсон капиталини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ва бу мақсадлар учун салмоқли инвестиция жалб этилаётганидан далолат беради.

Гап инсон капитали ҳақида кетар экан, ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳада эришган муваффақиятлари замирида шу жамиятда яшаётган ва фаол меҳнат қилаётган инсонларнинг билими, малакаси, тажрибаси ва салоҳияти ётишини таъкидлаш ўринли. Зеро, инсон капитали мамлакатнинг эртанги кунини белгилаб берадиган муҳим мезонлардан биридир.

Мамлакатимизда, умуман, жаҳонда инсон капиталидан самарали фойдаланишга иқтисодий тараққиётнинг асосий омил сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Иқтисодиёти ривожланган давлатларда инсон капиталининг миллий бойлиқдаги улуши 80 фоизгачани ташкил этади. Шу боис, дунёнинг тараққий этган мамлакатларида инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳукуматнинг аҳолини ўқитиши, саломатлигини асраши, ижтимоий ҳимояни кафолатлаши борасидаги чора-тадбирлари бугун инсоннинг нафақат шахс сифатида камолга етиши, балки қилиш ва инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш долзарб масалаларидир.

Фан-техника ва сунъий интеллект ривожланаётган шароитда инсон капитали мамлакат келажагини белгиладиган зарур омилга айланмоқда. Инсон капиталига инвестиция шахсининг қобилиятини, малакасини ошириш ва ривожлантиришга киритилган сармоя бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад самарадорликни оширишдир. Шунингдек, у инсоннинг таълим олиши, билимини мустаҳкамлаши, соғлигини тиклаш ҳамда яхшилашга ёрдам бериш учун сарфланган вақт, куч ва молиявий ресурсларни ўз ичига олган стратегияни ифодалайди. Ушбу концепция шахсининг ўзига хос қийматини тан олади ҳамда инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ўсиши ва фаровонлигига инвестиция қилиш натижасида юзага келадиган узоқ муддатли фойдани оила ҳўжалиги ва жамият даражасида эътироф этади.

Таълимга сармоя киритиш инсон капиталини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатидир. У мактаб, коллеж ва университетда олинadиган расмий таълим, шунингдек, касбий ўқитиш дастурларини ўз ичига олади. Ҳар бир янги босқичда эгалланган касбий компетенциялар келажақда инсон капитали-

РИЗҚИ БУТУН ЁШЛАР

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

лади. Биринчи парваришдан ўн беш кунлар ўтгач, иккинчи сув берилади. Кейин яна бир бор қолиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади ва тупроқ кўчатнинг атрофига босилади. Бақлажон ўсимлиги яхши ривожланиб, мўл ҳосил бериши учун илгиз жойлашган қатлам ҳаво биридан таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун сув эгат оралатиб қўйилгани маъқул, — дейди ёш деҳқон.

Туганмас хазина

Абдумухтор Зокировнинг ер билан тиллашишида раҳматли отасининг меҳнатлари сингган. 7 фарзанднинг кенжаси бўлган Абдумухтор транкторчи бўлиб ишлаган отасининг ёнида кўп юргани учун дала ҳадисини яхшигина ўрганиб олди. “Болам, томорқа туганмас хазина, ерни азиз билсанг, ризқинг ҳамиша бутун бўлади”, деган гапларини бот-бот эслаб туради. Аёли Барчиной ҳам унга кўмакчи. Москва давлат университетини имтиёзли тамомлаб, давлат иши ва томорқачиликни бирдай олиб бораётган бу йигитнинг келажақдаги ниятлари жуда улкан. Бир ўғил ва бир қизининг бахтли ҳаёти пойдеворини ҳозирданок мустаҳкам қўйиш учун шайланган Абдумухтор меҳнатдан қочмайди. Доноларимиз айтгандек,

Гуличеҳра ДҲРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЯҚИН ЎТМИШ ЁҒДУЛАРИ

Юрт эласидан бормисанган адабиёт байрами



Янгибой ҚҶҚҚОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими

Бошланиши 1-бетда

Қуни кеча янги Ўзбекистон замонавий адабиётининг навқирон авлоди йигирма еттинчи бор тароватли Зомин тоғлари бағридаги сўлим Ўриклисойга тўпланди. 27 йил кўп замонлару ҳўб давронларни ўлчаган қўна тарих соатининг “олтин кагйири” учун, академик шоиримиз Ғафур Ғулом ёзганидек, “капалак умрига қиёс этгулик фурсат” дир, балки. Аммо бу йигирма етти йил давомида мустақил мамлакатимиз турмуши ва адабий ҳаётимизда юз берган бекиёс, оламшумул ўзгаришларнинг “баҳосин ўлчамоқ учун олтиндан тарозу, олмосдан тош” озлик қилади.

Ғал янги замон шеърятининг атоқли вакили, шодлик ва бахт кўйчиси Ҳамид Олимжон тутилган Жиззах замини ҳақида кетар экан, бу сулув диёрға қадам қўйган киши вужудини “бир ажиб ҳис” қамраб олади. 27 йил муқаддам қаминан камтарин бу гўзал масканга бир ажиб тўғйулар билан борган эдим.

Ушанда биз — мен, Жовли Хушбоқ, Гулчехра Алибоева каби қатор публицистлар “Туркистон” газетасининг минтақавий мухбирлари эдик. Ойнинг ўн беши қоронғу деганларидек, бир вақтлари миллион адад билан чиққан газета озгина вақт босилмай қолди. Янги келган Бош мухаррир ҳаммамизни йиғиб, “Биринчи ишимиз — газетанинг аввалги шўхратини тиклашимиз, адади ва ўқилиш мақолаларни қўлайтиришимиз керак!” деди. Сўнгра ён дастфарчасига бир қараб олиб “Минтақавий мухбирларимизни бот-бот Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларига жўнатиб турамиз. Қўндан-қўн қўлайиб бораётган водий ахлининг бир қисмини қўлга чорлаш керак бўлади!” деб қўшимча қилди.

Жиззахга биринчи ижодий сафаримизга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одиб Ёқубов бош бўлди. Халқ шоири Нормурод Нарзуллаев менга “Ҳаммамизнинг номимиздан мақоланинг ҳамматуртушини сен тайёрлайсан, халқим. Пишитиш биздан!” деди. Олти муаллиф номидан мен тайёрлаган мақола босилди, ижодий шов-шувларга сабаб бўлди. Сафардан қайтганимиздан кейин Нормурод ака билан у Бош мухаррир бўлиб ишлаётган ёшлар наشريётида гурунглашдик. “Биласанми, халқим, сен билан қалбим. Жиззах энди аввалгидан ҳам зўр бўлиб кетади. Мирзо Улугбек туманининг раҳбари Шавкатжон Мирзиёев вилоятта ҳоким бўлиб борди. Жуда ишчан йигит. Китобни қўп ўқийди. Китоб ўқиган одамнинг ҳамма ишлари бардоридан келади. Энди шеър эшит: “Самоларда юлдузларни осмон сўроқлар, Чин инсонни кўнгил қўйиб инсон сўроқлар”. “Жуфт бўлсин, устоз!” деганимдан кейин “Ҳашилик деб яшайман!” шеърини ҳам ўқиб берди. Бу 1996 йилнинг 12 сентябри, атоқли шоир Шавкат Раҳмоннинг туғилган куни эди. Ушанда сўнгги кунларини яшаётган шoir Чилинзорда, В.Воҳидов номидаги кўшрак жарроҳлиги шифохонасида даволанаётганди.

1997 йилнинг ёзида шоир Азим Суюн Матбуотчилар қўчаси, 32-уйда жойлашган тахрират биноси олдида қўришганимизда “Ўн йил аввалги қарзимни узмасан бўлмайди. Сизни Жиззахга олиб кетаман!” деди. Ёнида турган ходимлари ажабланиб қўйди. Чунки улар 1987 йилнинг февралда Азим ака ва унинг шоир ҳамроҳини 4 ой аввал “Қорақалпоқ достони” трилогияси учун СССР давлат мукофотини олган устозимиз Тўлєбберген Қайлєргеновнинг ҳузурига олиб борганимни, кейин унинг ҳамроҳини нокўлай вазиятдан олиб чиқганимни билмасдилар. “Ўриклисойда сиз учун бир “сюрприз”им бор!” деб қўшиб қўйди Азим ака.

Ўриклисой сафари унутилмас бўлди. Тоғнинг мусасфo ҳавоси, сойнинг зилол суви, уртасига сариёғ қўйилган патир, кийик ўти қўшиб дамлланган чой бир томон-у. Азим Суюн айтган “тирик сюрприз” иккинчи томон бўлди. Ўриклисойда яшайдиган Ҳусан исмли қирғиз йигит “Манас”ни ёддан айтар экан.

“Манас”чининг айтимларини тинглаб, оғзим очилиб қолди. Шу орада Азим ака ҳам жўшиб кетди-да, ўзимизнинг “Авазхон” достонидан бир неча бандни ўқиди.

Тошкентга қайтган кунимизнинг эртасига болаларнинг сеvimли шоири Қуддус бобо Мухаммадий тўқсон ёшида оламдан ўтди. Маъражада турганимизда Азим ака “Қуддус бобо аслида биолог, САГУда, кейин тиббиёт институтида ўқиган. Ўзбекистон халқ шоири,

ёхуд ёш ижодкорларнинг Республика Зомин семинари ташаббускори ким эди?



бир неча авлод болаларининг сеvimли шоирига айланди. Қуддус ака бир вақтлар Исмоил шоир Назар ўлғига котиблик ҳам қилган”, деди.

1997 йил июль ойининг биринчи ўн кўнлиги мустақил Ўзбекистон адабиёти соғномасига олтин харфлар билан ёзиб қўйилди. Шу кўнлари Жиззах вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Шавкат Мирзиёев бошчилигида республика ёш адибларининг биринчи анжумани ўтказилди. Анжуман арасида “Жиззах ҳақиқати” газетаси тахририятига кирдим. Тахририятнинг бир-икки ходими узун бўйли ёши улў оқсоқолнинг ҳикоясини тинглаб ўтирган экан. Саломлашдик. “Туркистон” газетасидан эканинми эшитганг, оқсоқол ўрнидан туриб:

— “Помидор нега қизил” деган китобнинг автори Иброҳим Дониш бўлман! — деди. — Янгибой Қўчқоровман.

— Ие, мақолаларингизни ўқиб тураман. Ошиқ Аёз — Ибройим шоир билан суҳбатингиз эсимда қолди. Келинг, суҳбатимизга қўшилинг.

Иброҳим Дониш билан узoқ йиллар ота-бола бўлдик, Дўрмонда ёнқи Жиззахда ўзи барпо этган богда ҳафталаб суҳбатлашдик. У ҳозир ораимизда йўқ.

Энди яна ўша 1997 йил июль ойи бошига қайтамиз. Республика ёш ижодкорларининг биринчи анжуманини очар экан, вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев бундай деган эди:

“Ассалому алайкум, қадрли адабий анжуман иштирокчилари!

Хурматли устоз адиблар!

Қадрли ёш ижодкорлар!

Гўзаллик ва нафосат кўйчиси Ҳамид Олимжон тавааллуд топан табаррук заминга хуш келибсиз!

Хурматли Абдуллажон ака! Мамлакат миқёсидаги адабиёт анжуманини вилоятимизда ўтказиш ҳақидаги тақлифимизга бош қўшганингиз учун сизга, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси раҳбариятига, буёунги анжуманда иштирок этаётган атоқли адибларга барча жижзахликлар номидан, китобсевар, шеърсевар элимиз номидан чуқур миннатдорлик билдирарим. Ҳаммангизга иена билан қўдуқ қазидоёқ мураккаб ижодий ишларингизда ютуқлар тилаймиз.

Бизда қўлларда бўстон яратаётган деҳқонлару боғбонлар, яйлєвларда заҳмат чекаётган чоревдорлар, ишбилармон тадбиркорлар, ҳамма-ҳаммаси китоб ўқийди. Биз янги жамяят қурайтмиз. Бўнине учун илм керак, замонавий технологиялар керак. Уларни эса фақат китобдан олиш мумкин. Айниқса, бадиий адабиёт инсоннинг бир умрлик содиқ ҳамроҳидир. Менинг ўзим ҳам ҳар кун китоб ўқийман. Шеър яратма меҳрим баянд. Албатта, ҳаёти-мизга электрон манбалар кириб келимоқда. Лекин ҳеч нарса одамга китобчилик билим, завоқ, тарбия бера олмайди. Ёшларимизни китобга буришимиз лозим. Улар ҳар хил жаҳолат тасвирларидан қўра, “Ўткан кўнлар”ни ўқисин. Чунки унда инсонни қомилликка элтувчи минглаб иборалар бор. Асримиз якунига етмоқда. Янаи аср китоб асри бўлиши лозим. Вилоятимизда ёш шоир, адибларга қатта эътибор бермоқдамиз. Буёун улар барча вилоятлардан келган тенедошлари билан бирга нази, наср, драматургия, бадиий публицистикада беллашадилар. Ўйда деворлар ёрдам беради, деган гаплар бор. Лекин бизнинг ёшларга Аллоҳ берган талантлари қўмақлашади, деб ўйлайман.

Яқинда Дўстлик туманидаги бир мактаб синфига кирганимда болалардан “Бадиий ижод билан шуғулланидиганлар борми?” десам, мене ярми шеър ёзишини айтди. Демак, бу Навоий ва Бобур, Нодира ва Осахий, Ойбек ва Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов ва сизнинг таъсирингиз, Абдулла ака. Ўйлайманки, буёун анжуманга келган ёшлар орасидан сизнинг муносиб издошларингиз етилиб чиқади. Сизга сўз беришдан олдин шундай истак билдирмоқчи эдимки, буёун бошланаётган Зомин семинари узoқ йиллар давом этсин. Шеър шўхўй бизни ҳеч қачон тарк этмасин!”.

Анжуманининг очилишида сўзга чиқар экан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бундай деди:



УШЕБУ МАТЕРИАЛНИ ПОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК
АЛИФБОСИДА ҚЎИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ.

“Хурматли адабий машварат меҳмонлари!

Қадрли Шавкат Миромонович!

Азиз ёшлар!

Мен ижодий уюшманинг раҳбари ёнқи кўпни кўрган бир ижодкор сифатида нафақат сиз ёшларга, балки сизларга устозлик қилаётган адибларга қарата бир неча марта, хурматли ҳамкасблар, бир тул мажнўнтолпи Ўзбекистон деб ўйлаб асар битманг, юрпнинг тоғларини, саҳроларини, дарёларини кўринг, дейман. Мана, сизнинг тақлифингиз билан биз буёун бу гўзал тоғларга келдик. Бу жойлар нафақат навқирон ижод ахлига, балки қатта авлод адибларига ҳам илҳом беради.

Мана, улкан шоиримиз Маъруф Жалил ўтирибди. Маъруф ҳақининг “Парзодиим, сени излаб тоғларга бордим”, деган шеъри бор. Зоминга таширфидан кейин янги туркум ёзади, деб ўйлайман. Хусниддин акага эса шеърый роман ёзиш чўт эмас. Ўзи тоғлар қизи бўлган Шарифа Салимова ҳам янаи шеърлар ёзиши аниқ. Янаилик яшаш нарсас. Лекин янги анъанани бошлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Сизнинг ўзингиз, Шавкатжон, қўлқаюлларингиз бу анжуманга тадйрғарлик қўришда қўп меҳнат қилганингизни биламиз. Менинг биринчи ўринбосарим, яшаш шоир, яшаш носир Йўлдош Сулаймон анча кўнлардан бўён тилим билмайди. Уюшма масъул котиби Раҳимжон Отаев қамгал, қамтар

ёзган эди. Мен буёунги анжуман ёшлари, уларнинг барча тенедошлари буюк она тилимизни пухта ўраунишларини истардим.

Мен давримизнинг асосан Қайсин ога, Муштай ога, Довуд ога, Расул ога, Чингиз ога, Ибройим огадан иборат адиблар даврасида иштирок этганман. Бошқача ўйлашмасин, деб питерлик қаҳрамон шоир Михаил Дудинни бошичи қилиб юришарди. Ўша даврда Қайсин Шуваетов “Она тилимиз томирларимизда оқиб турган қонимиз!” деган эди. Айнан ўша киши менинг шеърларимни Теваросқийга бериб, дунёга эшик очиб берар. Биз буёун Хусниддин ака билан қанчадан-қанча ёшларга оқ фотиха берамиз. Ўз навбатида, биз сизга ҳам омад тилашдан бахтлимиз. Қўриб турибмиз, Жиззах халқини бахтли қилиш учун жон қўдиряспс. Аллoҳх шўзгеу ишларингизини ахрини берсин. Доимо юрт ва юртбоши назарида бўлине!”

Анжуман бошланди. Хотира бобида мен ҳам оддий одамман. Ўйғун Рўзиев деган ёш иштирокчининг қўлида “Атиргўл” деган сатирик романнинг қўлёзмасини кўрган эдим. У бугун насримизнинг бир бойтераги. Нодиржон Холбўтаев деган навқирон йигитга шеърини икки бора ўқитишди. Ҳозир Нодир Жонузоқ адабиётимизнинг таниқли вакили. Фарғонанинг Учқўприғидан Шўхратжон Орипов деган ўнчинчи синф ўқувчиси шеър ўқиди. Ажойиб шоир Шўхрат Ориф бугун элимизнинг илгор сўз санъаткори. Жиззахнинг узидан жажжи-

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

гина бола бор экан. “Най” шеърини ўқиб берди. Бу ҳозирги, яъни йигирма еттинчи бора ўтаётган анжуман ташкилотчиларидан бири Шоди Отамурод эди. Кичкинагина қиз четда жилмайиб турарди. Шу жойда мухбирлигим фойда берди, ёзиб олдим. Шахло Аҳророва экан. У бугунги шоираларнинг илгорларидан бири. Биринчи анжумандан бошлаб узoқ йиллар Сайёра Тўйчиева қайвонилик қилади. У бугун таниқли шоира, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Анжуман якунида Абдулла ака журналистлар билан суҳбатлашди. Устоз менга “Сен биз билан қолсан!” деди. Устоз Пушкиндан шеърлар ўқиди. Туроб Мақсуд газета, Сайёра Тўйчиева китоб, кимдир икки варақ шеър ташлаб кетди. Хайдовчи чой қўйди. Шу пайт пешайвонга бир даста китоб кўтарган гидромуҳандис Ўриш Маждидов “Хорманглар!” деб кириб келди. Абдулла ака Ўриш акани ҳурмат қилар, китобсеварлиги ва Зарбдордаги уйда “Дастхатлар кутубхонаси” очгани учун сийларди. “Келинг, Ўриш ака!” деди Абдулла ака. Ўриш ака қулиб: “Йўлнинг нариги томонига, менинг дачамага ўтайлик!” деди.

Хулласи қалом, ушанда Абдулла ака “Қачон мен Зоминга келсам, ҳеч кимдан сўрамай келавер!” деди. “Биз томонга борасизми?” дедим. “Бораман, сен томонда ҳам ёшлар анжумани қиламиз!” деди. Сўзида турди. Мен бу мақолада ўша Ўриклисой гурунгига ўқшаш эпизодлардан бир нечтасини мисол қилиб

шифокори Павел жанобларининг олдиға кетаётганида, у ерлардан хуш қайфият билан она юртга қайтиб келганида, ниҳоят, 2016 йилда яна ўша минтақага оланганида шоир билан узoқ-узoқ суҳбат қурганимиз.

— Қайтиб келганимизда яна бир бора Хивага, Полвонпирга, кейин Мўйноққа, Ҳаким Ота — Сулаймон Бокироний зиёратига олиб борасан! — деган эди. Энди бу сафарлар ва дийдор қиёматга қолди. Олти оқшом тоғлардан отмади. Олти оқшом қўларимизда ёш билан устознинг эшиги олдида турдик. Биринчи кечаси ярим тунгача устознинг акаси, профессор Абдураззоқ Орипов Абдулла аканинг болалиги, талабалик даври, қирбери опадан Қаҳҳор домла чорбоғининг ярмини харид қилиш тафсилотларини гапириб берди. Иккинчи кечаси Абдулла аканинг қудаси Рустам ота Хондамйоров билан узoқ гурунглашдик. Учинчи кечаси, девяри тоғнагача шоирнинг жиғари, фалсафа фанлари номзоди, профессор Абдураим Эркаев ўз илмий асарлари ҳақида сўзлади. Тўртинчи кеча эса тўғалигича академик Николай Конрад, унинг “Ғарб ва Шарқ” асари, академик, шарқшунос, Эрмитаж директори Иосиф Орбелининг Алишер Навоий ҳазратлари адабий меросини муҳофаза қилишдаги мардлiligи бағишланди. Бешинчи кечада Насриддин ака Насаф ва Кеш алломалари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз ўша оғир кунда марҳумнинг оиласига бекиёс ёрдам берди, шоир тобути солинган самолёт Франкфурт аэропорти орқали келиши керак эди. Самолёт Туркия орқали учгани учун шоир тани бир кечаю бир кундуз олдин Тошкентга, ўзи севган “Дўрмон” боғига келтирилди.

Жанозага мамлакатнинг ярми ййигилди. Президентимиз бу маросимда иштирок этиб, замонамизнинг зарбастар сўз зарғари ҳақида самимий гаплар айтди ва шоир донолик билан “Мен ўзбек, сен эса қорақалпоқсан, турklar дунёсида сен ҳам урпоқсан”, деган Оролбўйи заминига учиб кетди.

... Кейинги гал Жиззахга 1998 йилнинг 23 июлида бордик. “Сайқал” деган масканда вилоят ёзувчилари раҳбари Шарофат Ботинова, вилоят ҳокими ўринбосари Олимжон Жавлонов, Ёзувчилар уюмчаси раисининг ёшлар бўлича ўринбосари Мухаммаджон Юсупов, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева сўзга чиқдилар. 24 июль кунини анжумани Абдулла ака очди. Шавкат Мирзиёев аjoyиб маъруза қилди. Бу сафар ҳам анжуман ўта самарали бўлди. Гулжамол Асқарова, Мехринисо Абдурахмонова, Бурҳон Шермухаммад уюшмага қабул қилинди. Вилоят ҳокими ўз қўли билан жами 51 та — 7 та биринчи, 6 та иккинчи, 15 та учинчи, 23 та рағбатлантирувчи мукофот берди.

1999 йилнинг 6-август кўнлари ўтган навабдаги анжуманга алоҳида тўхталмасам бўлмайди. Бугунги аjoyиб ижодкорлар Жамолиддин Муслим, Гузал Бегим, қорақалпоқлик Баҳамдудулла Нурабўллаев, Пердегалий Довлатов голиб бўлди. Баҳамдудулла кейин давлат арбоби бўлиб, Абдулла ака ва мен билан бирга “Ақчақўл илҳомлари” анжуманига бошчилиқ қилди. Зомин ва Ақчақўл анжумани иштирокчилари орасидан Зўлфидин номдаги Давлат мукофотининг 20 га яқин лауреати етилиб чиқди. 30 га яқин ёш Олий адабиёт курсини битирди.

Томчида қўёш акс этади, дейдилар. Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида бевоcита адабиёт ахлига қўрсатилмаётган гaмхўрлик, эҳтиром ва эътибор барча ижодкорларни бирдек халқ, Ватан равнақи йўлида бирлаштирмоқда, улкан марралар сари чорламоқда.

Зомин семинари ош йиллар турсин, навқирон адиблар орасидан янги асрининг абулдуллари, эркинлари, ибройимлари етилиб чиқсин!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

Бош мухаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жияхатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-746.
43927 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қўғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи мухаррир: Шаҳзод Ғафоров
Мусаҳҳих: Малoхат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:

100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:45 Тошйирлиди — 00:20